

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошларим!

Мана шу файзли дамларда сиз, азиз юртдошларимга аввало ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, қутлуг қадамлари билан кириб келаётган Янги йил билан табриклаб, барчангизга чин қалбимдан сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга хотиржамлик ва фаровонлик тилашни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Айни шу дақиқаларда якунига етиб бораётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва рўй берган воқеаларни, кўлга киритган марра ва ютуқларни шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, 2014 йил биз учун самарали ва хошиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг исботини аввало биз кўзлаган буюк мақсад бўлмиш – дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, бунинг учун олиб бораётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган улкан ишларимизда кўришимиз мумкин.

Айниқса, иқтисодийтимизни барқарор суръатлар билан юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда, ҳеч шубҳасиз, ўтаётган йил ҳаётиимизда чуқур из қолдириши муқаррар.

Бунинг тасдиғини юртимизда рўй бераётган оламшумул ўзгариш ва янгиланишларда, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси янада чирой очаётганида, қад ростилаётган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардона меҳнати эвазига далаларимизнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётганида, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб, унинг халқаро майдонда муносиб ўрин олаётганида кўриб-кузатиб, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг кўнгли ҳақиқатан ҳам ғурур ва ифтихорга тўлади.

Айтиш керак – ўтган даврда биз эришган айрим кўрсаткичларни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамастан, Ўзбекистонимизнинг санокли давлатлар қаторида охириги 10 йил давомидаги иқтисодий ўсиши, яъни, содда қилиб айтганда, фаровонлигимизнинг юксалиш суръатлари узлуксиз равишда 8 фоиздан кам бўлмаган келмоқда ва 2015 йилда ҳам бу кўрсаткичдан кам бўлмайди, иншооллоҳ.

Азиз юртдошларим!

Ўзбекистоннинг бугунги кунда тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан қадам қўяётганида, обод ва фаровон ҳаёт кураётганида бу саховатли заманда яшаётган ҳар қайси инсоннинг, унинг миллати, дини, этник ҳодидан қатъи назар, муносиб ҳиссаси борлигини, бутун халқимизнинг машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бағрикенглиги, бир оила бўлиб яшаётгани, қисқача айтганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибатлик туйғуси нақадар катта бойлик эканини барчамиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Бунга иқдор бўлиш учун аввало ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни, яқин ва узоқ атрофимизда хавф-хатарлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршилиқлар авжига чиқиб, терроризм ва экстремизм ҳаракатларини, қон тўкилишларни кўриб-кузатиб турганимиз ҳеч кимни тинч ва бепарво қолдирмайди, албатта.

Минг афсуски, бундай кескинлашувлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, дунё бозорларидаги ноаниқ вазият ва танглик давом этишининг дугилиши – бундай таҳликали аҳвол барчамиздан ҳушёрлик, сезгирлик ва сафарбарлигимизни оширишни, содда қилиб айтганда – бўш келмаслигимизни талаб қилади.

Бир муҳим масалани эсимиздан, ҳаёлимиздан асло чиқармаслигимиз керак. Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, биз XXI асрда, глобаллашув, интеллектуал тараққиёт ва интернет замонида яшаётганимизни инобатга оладиган бўлсак, эришган марра ва ютуқлар билан чегараланмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, аксинча, доим янгиликка инти-



лишимиз, эртанги кунимизни, олдимизда турган муаммо ва қийинчиликларни ўзимизга яққол тасаввур қилиб яшашимиз лозим. Фақат шундай жамият, қолаверса, давлатгина жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб яшаши мумкин.

Айни шу ҳақиқатни англаган ҳолда, 2015 ва келгуси йилларнинг режалари ва янги марраларни эгаллаш ҳақида сўз юритар эканмиз, биз аввало демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришган ютуқларимизга, тўплаган тажрибамизга суяниб, келажагимиз стратегиясига айланган Концепциямиз асосида олиб бораётган ишларимизни изчил суръатлар билан давом эттиришимиз зарур.

Шу борада амалга ошираётган барча ислохотларимизнинг туб илдизи – томирида ётган масалаларга эътиборингизни жалб этмоқчимиз.

Сўз кўп тармоқли иқтисодийтимизнинг устувор соҳаси ҳақида – хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлики тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, уларнинг эркинлигини таъминлаш ҳақида бормоқда.

Яна бир устувор масала – бутун жаҳон миқёсида иқтисодий ва сиёсий вазият тобора кескинлашиб бораётганини инобатга олган ҳолда, **иқтисодийтимиздаги таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш соҳасини узлуксиз техник, технологик янгилаб бориш ва модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишдир.**

Шу масалалар билан чамбарчас боғланган яна бир вазифа – **иқтисодийтимизда давлатнинг улуши ва ўрни қай даражада бўлишини танқидий кўз билан баҳолаб, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришдан иборат.** Очигини айтганда, мана шу ўта муҳим ислохотларимизни ярим йўлда қолдирмасдан, мантикий якунига етказсак – марра бизники.

Бошқача айтганда, айни шу асосда эски маъмурий-буйруқбозлик тизимдан ҳали-ҳамон мерос бўлиб келаётган, одамларнинг норозилигини кўзгаётган барча қолдиқлардан воз кечишга имкон туғдирамиз, улардан озод бўламиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Янги – 2015 йилда мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яъни, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини, мухтасар айтганда, инсон омилини янада юксалтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ўртача ўсиши 22 фоиздан кам бўлмасдан, аҳолимизнинг реал даромадлари 10 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун янги йилда ягона социал тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилади. Шу тариқа 440 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ уларнинг ихтиёрида қолдирилади. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг бир минимал ойлик ҳажмидаги маошидан солиқ олинмайди. Барча ишчиларга тегишли бўлган бу янгилек авваламбор бошқаларга нисбатан ойлиги энг кам бўлган фуқароларга кўпроқ наф беришини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни шу тадбирлар ҳисобидан меҳнатқашларимиз камида 120 миллиард сўм наф кўради. Янги йилда бериладиган бундай имтиёзларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Инфляция даражаси, яъни нарх-навоининг ўсиши тахминан 5,5-6,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Келгуси йилда одамларимизнинг турар-жой шароитларини яхшилаш, янада обод этиш, коммунал-маиший хизмат сифатини тубдан оширишга алоҳида эътибор берилди.

2015 йилда қишлоқ жойларда яшаётган 12 мингта оила шаҳар шароитидан қолишмайди-ган, намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.

Қадрли дўстларим!

Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда Кексаларни эъвозлаш йили деб ном берганимиздан халқимиз албатта яхши хабардордир.

Бунинг замирида ҳаммамизни оқ ювиб, оқ тараган, муқаддас юртимизнинг ташвиш ва муаммоларини ўз елкасида кўтариб келаётган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган кекса авлод вакилларини ҳаётдан рози қилиш, уларнинг дуосини олишдек савобли ва олижаноб мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Биз меҳрибон ота-оналаримиз, мухтарам кексаларимиз олдидаги ана шу қарзимизни янада теран англаган ҳолда, уларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан 2015 йилга қадам қўяр эканмиз, биз учун миллий ўзлгимиз тимсолига айланиб кетган каттага – ҳурмат, кичикка – иззат, меҳр-оқибат, шафқат ва муруват каби эзгу фазилатларни янада муштаҳамлаб, уларни жондан азиз фарзандларимизнинг онгу шуурига сингдиришда кириб келаётган йил муҳим, юксак бир босқич бўлишига ишонаман.

Айни шундай ноёб фазилатларга эга бўлаётганимиз яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда яққол намоён бўлганининг гувоҳи бўлдик.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг, аввало, ҳал қилувчи кучга айланаётган ёш авлодими-нинг онгу тафаккури, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб ва энг муҳими – эртанги кунимизни биз ўзимиз, она юртимиз учун қуряпмиз, деб дадил майдонга чиқаётганининг намоёиши, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен яқинда, Конституциямиз байрамига бағишланган тантанали мажлисда кимки асл демократияни кўрмоқчи бўлса, Ўзбекистонимизга келсин, деб айтганим бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам, бундай халқ олдида бош эгиб, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди, албатта, азизларим.

Қадрли ва мухтарам ватандошларим!

Янги йил кириб келишига санокли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг қут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз. Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилақларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги – 2015 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва чет эл етакчи компанияларининг раҳбарлари, жамоат арбоблари Юртбошимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самий қутловларини йўллашда давом этмоқдалар. Жумладан, қуйидагилар ўз табриқларини йўлаганлар:

Корея Республикаси Президенти
Пак Кин Хэ

Буюк Британия Бош вазири
Дэвид Кэмерон

Латвия Республикаси Президенти
Андрис Берзиньш

Венгрия Республикаси Президенти
Янош Адер

Кипр Республикаси Президенти
Никос Анастасиадес

Исландия Президенти
Олавур Рагнар Гримссон

Украина Президенти
Пётр Порошенко

Беларусь Республикаси Президенти
Александр Лукашенко

Канада Генерал-губернатори
Дэвид Жонстон

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти
Чионг Тан Шанг

Австралия Генерал-губернатори
Питер Косгроув

Янги Зеландия Генерал-губернатори
Жерри Матепарае

Кувайт Давлати Амири
Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ

Миср Араб Республикаси Президенти
Абдулфаттоҳ Ас-Сиси

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти
Абдулазиз Бутефлика

Колумбия Республикаси Президенти
Хуан Мануэль Сантос

БМТ Тараққиёт дастури маъмурияти раҳбари
Хелен Кларк

“ЛУКОЙЛ” ОАЖ Президенти
Вагит Алекперов

“Siemens” компанияси Президенти ва Бош ижрочи директори
Жон Кайсер

Жанубий Кореянинг «Shindong Resources Co.LTD» компанияси раиси
Ким Ёнг Гу

Япония Парламенти Маслаҳатчилар палатаси депутати
Кёко Накаяма

Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё Митрополия округи раҳбари
Викентий

Табриқномалар келиши давом этмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ СОВГАЛАРИДАН ШОДОН БЎЛДИ БОЛАЛАР

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Андижон шаҳрининг ҳар бир мавзесидан, шаҳар-туманларда қад ростлаган арча атрофида намоёиш этилаётган томошаларга Қорбобо ва Қорқиз, эртақлар қаҳрамонларининг иштироки ўзгача фойз бағишлаяпти.

Шаҳардаги "Баркамол авлод" болалар марказида бўлиб ўтган "Президент арчаси" тантаналарининг гултоғига айланган. Унда кам таъминланган оилалар вакиллари, боқувчисини йўқотганлар, Ватан ҳимояси йўлида жон фидо қилган ҳуқуқ тартибот идоралари ходимларининг фарзандларидан иборат 400 нафар болажон қатнашди.

Театрлаштирилган катта концерт дастури ва томошаларни вилоятдаги болалар мусиқа ва санъат ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари, болалар боғчалари тарбияланувчилари,

Андижон шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси" фуқаролари тайёрлашди. Қорбобо ва Қорқиз, Ялмоғиз кампиру қароқчилар, Шум бола ва Жин каби қаҳрамонлар кичик томошабинларнинг жажжи қалбларини эртақлар оламига ошно қилди. Янги йил, Она Ватан, бахтли болалик ҳақидаги кўшиқлар эса кўнгилабга сурур бағишлади.

Театрлаштирилган Янги йил байрами тантаналари давом этмоқда.

Тадбирда вилоят ҳокими Ш.Абдурахмонов иштирок этди.

Қобилжон АСКАРОВ

Янги йил – беғубор орзу-умидлар, эзгу ниятлар айёми. Ушбу байрам барчага, айниқса, кичкинтойларга чексиз қувонч ва шодлик бағишлайди. Шу кунларда пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони ҳамда барча майдон ва хиёбонларда Янги йил байрами тантаналари бўлиб ўтмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА БАЙРАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳар бир ўғил-қизга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатиш, уларнинг маънавий-жисмоний камолоти йўлида зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Яқунланган Соғлом бола йилида мазкур йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Дарҳақиқат, 2014 йил навқирон авлод манфаатларини ҳимоялаш, уларни ҳар жиҳатдан комил шахс этиб вояга етказишга оид ишларни янада такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Соғлом авлоднинг шакллантиришда таълим-тарбия тизими ва спортнинг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаган ҳолда болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, болалар, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, болаларнинг ижтимоий ҳимоясини тобора кучайтиришга оид ишлар ҳажми кенгайди.

Янги йил байрами арафасида мамлакатимизнинг бош майдонида барпо этилган мўъжаз шаҳарчада ушбу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топди. Эртақмонанд қиёфа касб этган ушбу маскан жажжи ўғил-қизлар, ўз ҳаётидан мамнун ҳаюмторларимиз, кўзалари ҳайрат ва ҳавасга тўла хорижлик меҳмонлар билан гавжум. Ўзбекистон Республикаси Ма-



даният ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Тошшаҳарнур" давлат унитар корхонаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган байрам шодийналарига қизқарлик уйинлар, турли кўнгилочар томошалар ўтказилмоқда. Қувноқ аттракционлар, аргимчогу мўъжаз ўйингоҳлар – болажонлар хизматида.

Байрам тантаналарида она юртимиз, истиқлолимиз, Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодга кўрсатилаётган чексиз меҳр ва гамхўрлик, бетақорр табиатимиз, кумуш қишни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар янграмоқда. Улкан арча атрофида Қорбобо, Қорқиз, эртақ қаҳрамонлари болаларни рақсга, топқирлик, зук-колик, зийракликка чорловчи қувноқ уйинларга таклиф этмоқда. Кичкинтойларнинг беғубор нигоҳи, кулгули байрамга янада завқ, жўшқинлик ва кўтаринкилик ба-

ғишлаётди. Фарзандларининг шодлигига шерик бўлаётган ота-оналарнинг юз-кўзларида мамнунлик, фخر-ифтихор акс этган. Бу мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, тинч ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг самарасидир. – Тайёрлов гуруҳидаги тарбияланувчиларимизни байрам томошасига олиб келдик, – дейди

пойтахтимиздаги 504-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Мухайё Фуломов. – Болажонлар қизиқарли томошалар, концертлар, турли ўйин ва аттракционлардан унутилмас завқ олмақда. Шундай тўқин ва фаровон ҳаёт, жамиятимиздаги аҳиллик ва тотувлик муҳити энг катта бойлигимиздир.

– Эртақ қаҳрамонлари иштирокидаги қувноқ томошалар менга жуда ёқди, – дейди Юнусобод туманидаги 260-умумтаълим мактаби ўқувчиси Лазиз Рауфхонов. – Ўртоқларим билан майдондаги аттракционларда мириқиб ўйнадик, ашула айтдик.

Янги йил, арча, Қорбобою Қорқиз ҳақида тўлиб-тошиб шеърлар айтиб, рақсга тушаётган етти ёшли Асилабонунинг қувончи чексиз. Чунки у Янги йил байрамида инглиз тилида кўшиқ ижро этиб, Қорбобонинг олқишига сазовор бўлди.

Майдондаги барча аттракционлар билан гавжум. Ёрқин чироқлар, лазер ва ионли безаклар билан товланаётган бу маскан оқшом чоғи янада жозибали, фусункор манзара касб этди.

– Набираларим билан Янги йил тантаналарини томоша қилишга келдик, – дейди қашқадарлик Рамазон Пулатов. – Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган бунёдкорлик ишлари, ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, етук инсонлар бўлиб вояга елиши учун яратилган барча шарт-шароит бугунимиздан қувончи, келажакка ишонч билан боқишга ундайди.

Барно МЕЛИКУЛОВА, ЎЗА мухбири.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Барчамизга эзгулик соғиниб, Янги йил кириб келди. Ушбу айём, айниқса, болаларга чексиз қувонч улашади. Бу кун улар ақинларидан совғалар олишади, бир ёшга улғайганликларини арча атрофида нишонлайдилар.



Жиззахда бўлиб ўтган "Президент арчаси" шодийнасида боқувчисидан маҳрум бўлганлар, "Меҳрибонлик ўйи" тарбияланувчилари ҳамда хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийлар ва ички ишлар ходимларининг фарзандлари таклиф этилди. Тадбирда "Янги йил эртаги" томошаси намоёиш этилди. Барча эртақлардаги сингари эзгулик яна галаба қозонди. Болаларнинг байрамини ўғирламоқчи бўлган ёвузлар жазосини олишди. Тадбир дастуридан вилоятдаги болалар ашула ва рақс ансамбллари ҳамда спортчиларнинг чиқишлари ўрин олди. Қорбобо билан Қорқиз энг билимли ва зийракларни сийлабди. Байрам якунида болаларга Президентимизнинг Янги йил совгалари топширилди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган "Президент арчаси" тантанасига туман ва шаҳарлардаги кам таъминланган оилаларнинг 220 нафардан зиёд фарзандлари, "Болалар шаҳарчаси" тарбияланувчилари таклиф этилди.

Вилоят ҳокими О.Ашурматов тўпланганларни янги йил билан кутлар экан, ушбу тадбир Юртбошимиз томонидан болаларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликнинг яна бир яққол намунаси эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг Президентимиз совгалари болаларга топширилди. Турли ширинликлар тўла тухфаларни олган болажонларнинг шодликлари ичига синмади.

– Президентимиз совгаларини олиб жуда севиנדим, – дейди Гулистон шаҳридаги 6-мактабнинг 8-

синф ўқувчиси Дилнур Абдуллаева. – Юртбошимизнинг эътибори ва гамхўрлигига яраша ўқиб, келажакда комил инсон бўлишга ҳаракат қиламан.

Олим Хўжаев номли вилоят мусиқали драма театри санъаткорлари, Гулистон шаҳридаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, "Баркамол авлод" болалар ижодий театри маркази ўқувчилари томонидан намоёиш қилинган байрам дастури ҳам болажонлар қувончига қувонч қўшди.

Бозорбой БЕКМУРДОВ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Вилоят марказидаги мухташам Санъат саройида ташкил этилган тадбирга вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан болажонлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, хизмат вақтида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг ўғил-қизлари таклиф этилди.

Безатилган арча атрофида турли эртақ қаҳрамонлари болаларни кутиб олишди, шўх кўшиқ ва шеърлар айтган байрам иштирокчиларининг қалби чексиз севиноч ва ҳаяжонга тўлди. Саройнинг иккинчи қаватида эса болажонлар учун байрам дастурхони ёзилди.

"Президент арчаси" театрлаштирилган байрам томошаси саройнинг тантаналар залидан давом этди. Унда сўзга чиққан вилоят ҳокими Шухрат Фаниев болажонларни шуқулли байрам билан кутлар экан, мухташам Юртбошимиз раҳнамолигида овоз ва обод Ватанимизда ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг соғлом униб-ўсишлари йўлида амалга оширилаётган кебиёс ишларни

Ҳамиджон БУРҲОНОВ

Наманган Вилояти

Эътибор Ва эътироф намунаси

2014 йил вилоятдаги маданият ва спорт соҳаси вакиллари учун ҳам салмоқли натижаларга бой бўлди. Маълумки, ўтган йилнинг 29 май – 2 июнь кунлари республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасидаги "Баркамол авлод – 2014" спорт ўйинларининг финал босқичи Наманган шаҳрида юқори савияда, қўтаринки каифиятда ўтказилди. Ушбу мусобақада вилоят ёшлари умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллаб, Юртбошимизнинг совғаси – "Дамас" автомабилга эга бўлдилар.

Айни пайтда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари кишлоқларда спорт турлари оммалашиб бораётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Булунги кунда вилоят бўйича жами 3379 та спорт иншооти, жумладан, 23 та ўйингоҳ, 759 та спортзал, 19 та сузиш ҳавзаси, 564 та баскетбол, 762 та волейбол, 368 та кўл тўли, 349 та футбол, 327 та минифутбол майдони, 102 та теннис корти, 41 та сунъий қопламали майдон, велоспорт, очтопар, манеж аҳоли хизматида. Уларда 597 минг 907 киши спорт билан шугулланмоқда. Шундан 249 минг 544 нафари хотин-қизларни ташкил этади.

Ўтган йил давомида вилоят бўйича 366 та оммавий спорт тадбири ўтказилиб, уларда 452 минг 582 нафар спортчи иштирок этди. Мазкур мусобақаларда 218 минг 658 нафар опа-сингилларимизнинг қатнашгани қувонч

нарли ҳол, албатта. Маҳалла, кишлоқ, туман, шаҳар босқичларини ўзига қамраб олувчи, асосан ўқиш ҳамда иш билан банд бўлмаган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида қаратилган "Обод юрт фарзандлари" спорт фестивалида 14 минг 724 нафар ўғил-қиз спортнинг футбол, стол теннис, кураш турлари бўйича баҳс юритди. Поп туманининг Чодак кишлоғида бўлиб ўтган "Миллий халқ киши спорт билан шугулланмоқда" фестивалида қадриятларимиз тимсолига айланган ўн еттидан зиёд ўйинлар ёшларга тарғиб қилинди. Шунингдек, шаҳар, туман, вилоят босқичлари кесимида ўтказилган "Аёллар спорт фестивали"да саккиз минг нафарга яқин хотин-қиз, "Отам, онам ва мен" оилавий спорт мусобақаларида эса тўққиз минг

нафарга яқин аҳоли қатнашгани таъкидлаш жоиз.

Вилоятнинг умидли спортчилари мамлакатимиз ва дунё ареналарида 367 та олтин, 354 та кумуш, 512 та бронза, жами 1233 та медаллар жамланмасини қўлга киритдилар. Улар орасида янгиқўрғонлик оғир атлетикачи Аҳмаджон Эргашев Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи ўсмирлар Олимпиада ўйинларида, норинлик полвон, Наманган Олимпия захиралари коллежининг эркин кураш бўйича мураббийси Умиджон Усмонов Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтган ўн еттинчи Осиё ўйинларида юксак маҳорат кўрсатиб, бронза медаллари билан тақдирландилар.

Айни пайтда спортчиларимиз олдига маъсул яхши вазифа, яъни 2016 йили Бразилияда ўтказиладиган ўттиз биринчи Олимпиада ўйинларини қўлга киритиш турибди. Бунинг учун вилоятда барча шарт-шароит ва имкониятлар етарли.

Инсоннинг маънавий оламни бойитишда маданият ходимларининг ҳиссаси муҳим аҳамиятга эга. Бу борда вилоятда 23 та маданият муассасаси, 84 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари томонидан эътироф арзигулик ишлар амалга

оширилди. Хусусан, Янгиқўрғон туманидаги Оқтом кишлоғида "Маънавият сарҳисоблари", Поп туманидаги Чодак кишлоғида "Ўзбекистон хур диёр", Косонсой туманида "Диёримиз оҳанглари" номлари билан ўтказилган маданий тадбирлар сўзимизнинг исботидир. Наманган шаҳридаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида жойлашган "Наво" эъги амфитеатрида ўтказилган "Ўзбекистон болалари, гўзал гулу лолалари" санъат фестивали ёш иқтидор соҳибларини кашф этиш, уларни рағбатлантиришга хизмат қилди.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўриктанловидан Норин тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази ашула тўғраги раҳбари Нуриддин Хайдаров "Ватан" таронаси билан "Энг мазмулли кўшиқ" соҳиби, деб топилди. Одина Абдуллаева, Ҳасан-Хусан Ботировлар эса учинчи ўринни эгаллашди.

Яқинда Наманган шаҳрида маданият ходимлари ва спортчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

○ Ватанга хизмат – муқаддас бурч

НАВАТДАГИ ЧАҚИРУВ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳарбий кенгашининг фуқароларни мuddатли Ҳарбий хизматга қақириш ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ташкил этишга доир 2014 йилда амалга оширилган ишлар якунларига бағишланган ййғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-полковник Қ.Бердиев мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида фуқароларнинг мuddатли Ҳарбий хизматни ўташ тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бунинг самарасида мuddатли Ҳарбий хизматга чақириш самарадорлиги ошиб, хизматга чақирилувчиларни танлов асосида саралашнинг амалий тизими яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Куролли Қучларида мuddатли Ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, мuddатли Ҳарбий хизматга танлов асосида йилга бир марта чақирилмоқда. Чақирув комиссиялари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш мақсадида улар таркибига кенг жамоатчилик вакиллари ҳам киритилди. Бундан ташқари, чақирув пунктларида замонавий ва қулай шароит яратиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Тадбирда таъкидланганидек, фуқароларнинг мuddатли Ҳарбий хизматни ўташ тизими такомиллаштирилиб, чақирув сифати ва самарадорлиги оширилаётгани Куролли Қучлар сафини жисмонан бақувват, соғлом ва юксак интеллектуал салоҳиятга, қатъий ҳаётий позицияга эга ёшлар билан

тўлдириш, мудофаа ишлари бўлим ва бошқармаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ёшларни армияга саралаб олиш шартларини яхшилаш имконини бермоқда. Ийгилишда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли Ҳарбий хизматга чақириш ва мuddатли Ҳарбий хизматнинг белгиланган мuddатини ўтаб бўлган шахсларни Куролли Қучлар резервида бўштириш бўйича 2014 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Ийгилишда 2015 йилда ёшларни мuddатли Ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш ва ўтказишнинг муҳим йўналишлари, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда Ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ишларини фаоллаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири.

Пойтахтимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, Давлат дастури доирасида касаба уюшмалари томонидан 54 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Иш берувчилар ва касаба уюшмалари ижтимоий шериклигида 738 та корхонада 4 минг 384 нафар ёш оилага уй-жой қуриш ҳамда узоқ мuddат фойдаланиладиган уй жиҳозларини харид қилиш учун 77 миллиард 176 миллион 200 минг сўмлик фоизсиз сусудлар ажратилди. Шунингдек, қишлоқ жойларда яшовчи 1 минг 960 нафар аёлга 1 миллиард 500 минг сўмлик маънавий техника жиҳозлари топширилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож 408 нафар хотин-қиз, 151 нафар тиббиёт ходими, 202 нафар таълим ходими касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштирилди. 217 нафар ёш оила вакилларига "Умид гулшани" санаторийсига иттиёзли йўлларна берилди.

"Касаба уюшмалари — болаларга" акцияси доирасида 15 та болалар Мурувват ва Меҳрибонлик уйлари қарийб 43 миллион сўмлик компьютер жамланмаси билан таъминланди. Акция доирасида ташкил этилган "Тозалик, озодлик — саломатлик гарови" тадбирида республикамизнинг чекка туманларидаги умумтаълим мактабларининг 11 минг 65 нафар 1-синф ўқувчисига 161 миллион 260 минг сўмлик санитария-гигиеник тўпламлари топширилди.

Соғлом бола йилга бағишлаб ташкил этилган "Соғлом оила" оилавий спорт мусобақаларида 100 мингга яқин ишчи-ҳодимлар оила аъзолари билан иштирок этди. Ёш мавсумида 1099 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда 296 минг нафарга яқин боланинг мазмулли ҳордиқ чиқариши таъминланди. Бу жиҳатдан ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, жисмоний имконияти чекланган ва қаровчисини йўқотган болаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Оролбўйи минтақасида истикомат қилувчи 5 минг нафарга яқин бола бепул соғломлаштирилди. Меҳрибонлик уйларининг 3 минг 658 нафар тарбияланувчиси, кам таъминланган оилаларнинг 70 минг 600 нафарга яқин фарзандлари, қарийб 3 минг нафар иқтидорли боланинг саломатлиги тикланди.

Шу билан бирга, қарийб 45,5 минг нафар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиси, кам таъминланган оила фарзандлари ва иқтидорли болалар учун мўъжаз, маданият ва истироҳат боғлари ва тарихий шаҳарларга саёҳатлар ташкил этилди.

Шунингдек, корхоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, иш берувчилар ва ишчи-ҳодимларнинг хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича билим ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида барча худудларда ўқув-семинарлари ўтказилди.

Наргиза ХУСАНОВА

Қорақалпоғистон Республикаси

КИШЛОҚ БОЛАЛАРИГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Шуманай тумани "Дехқонобод" кишлоқ фуқаролар йиғини худудидagi 9-умумтаълим мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

– Бу ўқувчиларимизга ажойиб совға бўлди, – дейди мактаб директорининг ўринбосари Дилбар Ешанова. – Ўқув биноси спортзали, устaxonадан иборат бўлган мажмуа замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Умуман олганда, ўқувчиларнинг билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ

Андижон Вилояти

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИДА ҚУВОНИШГА, ФАХРЛАНИШГА АРСИЙДИГАН НАТИЖАЛАР ЙИЛИ БЎЛДИ

2014 йилнинг 6 октябрь куни Юртбошимиз жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида вилоятимизда бўлди. Жумладан, Олтинкўл туманидаги “Кўхна водий баҳори” фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан самимий мулоқот ўтказди.

Мулоқот давомида Президентимиз хамиша биз билан далада юргандек, ютуқларимиз ва муаммоларимиздан хабардордек суҳбатга киришдилар. Ушбу учрашув шу жиҳатлари билан қалбимизга муҳрланди.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар, тавсиялар қишлоқда мулкдорлар синфини янада ривожлантиришга берилётган юксак эътибор эътирофи бўлди. Бунда туман, вилоят ва республика кенгашларининг узвий тарзда иш ташкил этишлари, унинг ишида хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин ҳар бир фермернинг иштирок этиши муҳим эканлиги қайта-қайта таъкидланди.

Вилоятимизда 6590 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қарийб 100 фоизи улар ҳиссасига тўғри келмоқда. Асосий эътибор интенсив усулда ҳосилдорликни оширишга, айна вақтда қайта ишлаш, тайёрлаш, экспортга йўналтириш, импорт ўрнини босиш учун илғор технологияларни жорий этишга, шу орқали қишлоқ имкониятларини кенгайтиришга, энг муҳими, доимий иш ўринлари яратишга қаратилмоқда.

Утган йили вилоятда 80200 гектар майдондан 500 минг тоннага яқин дон олинди. Юзлаб фермерлар ҳосилдорликни 80-90 центнерданга етказишга эришдилар. Пакта етиштириш борасида ҳам йилдан-йилга ўсиш, ўзгартиш юз беряпти. 2014 йили қирқ центнерчи фер-

мерлар сафи қарийб уч баробарга кўпайди. Қўрғонтепа туманидаги “Ок сув”, Булоқбоши туманидаги “Муқаддас”, Балиқчи туманидаги “Эргашли Усмон боғи”, Марҳамат туманидаги “Боғимдаги майсалар” каби фермер хўжаликларида юқори натижалар қайд этилди.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти ҳам тобора кенгаймоқда. Аввало, янги иш ўринлари яратишга мустаҳкам замин яратилмоқда. Кеча фақат галла ва пахта етиштириш билан кифояланган фермер бугун янги йўналдирилган ташкил этишга интиляпти. Бу борада фермерлик ҳаракатининг имкониятлари нақадар кенг эканлигини амалда намойён этаётган мулкдорларнинг ишларини кўриб, ҳавас қиласиз. Олтинкўл туманидаги “Бахт имкони ривож” фермер хўжалигининг бу борадаги фаолияти диққатга сазовордир. Мазкур хўжалиқда пахтачилик, галлачилик, узумчилик ва чорвачилик йўналишлари йўлга қўйилган. Ҳар бир тармоқда олдинга қараб интилиш ва натижа бор. Айниқса, зотли пода яратиш ва шу орқали юқори маҳсулдорликка эришиш бўйича қўлга киритилаётган натижалар ҳайратланарли даражада. 1200 бош зотли қорамол мавжуд хўжалиқда энг замонавий технология жорий этилган. Озуқа экинлари етиштиришдан бошлаб маҳсулот етиштиришгача бўлган технологик жараён бир-бирига узвий тарзда уйғунлашиб кетган. Хўжалик раҳбари Фахридин Исмоилов яқин икки йил мобайнида қорамоллар бош сонини 3000 тага етказиш мақсадида иш олиб бормоқда.

Асакалик Ихтиёр Бадалов дастлаб чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатиб ҳамкасблари

этиборига тушган эди. Сўнгра у фермерларга техника хизмати кўрсатишни жорий этди. 2014 йилда ҳозирча республикада санақли ҳисобланган энг замонавий паррандачилик мажмуасига асос солди. Германияда тайёрланган ушбу технология тўла компьютер ёрдамида бошқарилади. Айни пайтда паррандачилик комплексининг иккинчи навбатини бунёд этиш ҳаракатида.

Кўплаб хизмат турларини ташкил этган, тикувчилик, тўқувчилик, бадийий хунармандчилик, мева-сабзавотни қайта ишлаш, йирик ситимли совиткичлар тармоғини барпо этган фермерлар шу қадар кўпки, уларнинг ҳар бири ҳақида қанча тўлкинлашиб гапирсангиз шунча оз.

Утган йилнинг 5-6 июнь кунлари Президентимиз ташаббуси билан “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусида халқро анжуман бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Қўрғонтепа туманидаги “Боғи Фурқат” фермер хўжалиги раҳбари Зафарбек Аҳмедов томонидан боғдорчилик йўналишида олиб борилаётган илмий-амалий ишлар ўз самараларини бера бошлади. Интенсив технологияга асосланган боғдорчилик маҳаллий шароитга тўла мос тушади. Энг муҳими, ҳосилдорлик гектар ҳисобига 80-100 тоннадан кам бўлмайди. Ранги, таъми юқори дидли харидорни ҳам ўзига торта оладиган олма ва олхўри етиштириш бўйича муайян натижага эришган Зафарбек Аҳмедов 100 тонна ситимга эга бўлган махсус совиткич қуриб ўз боғида етиштирган меваларни сақлашга қўйди.

Халқро анжуманда Президентимиз мамлакатимизда сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришнинг имкониятлари бекисё эканлигига алоҳида ургу берди. Фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришда бевосита узаро кооперациянинг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. 2014 йил



■ **Фарход НАБИЖОНОВ**, Андижон вилояти фермерлари кенгаши раиси.

давомида Қўрғонтепа, Бўз, Улуғнор туманларидаги фермерлар ўзаро келишув асосида, яъни маблағларини жамлашган ҳолда юқори унумли хорижий техникалар харид қилишди. Избосканлик чорвадор фермерлар эса озуқа тайёрлашда сув ва ҳаводек зарур бўлган серунум “Ягуар” русумли универсал тарзда ишловчи комбайни шерикчилик асосида харид қилишди. Бу билан етарлидан зиёд ширали силос, сенаж захираси яратилди.

Биз фермерлар билан ишлаш борасида янги дастурлар устида ишлаётган эканмиз, эътиборни Президентимизнинг “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида таъкидланган вазифалар ижросига қаратмоқдамиз.

Дарҳақиқат, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Уларнинг қанчалик ижросини таъминласак, янги иш ўринлари яратсак, фермер хўжаликларининг иқтисодий имкониятлари шу қадар кенгайди. Бу билан қишлоқда саноат жадал ривожланади. Қишлоқ инфратузилмаси ҳозиргига нисбатан кескин ўзгаради.

Сурхондарё Вилояти

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Сурхон воҳаси – ширин-шакар мевалар макони. Бойсун, Кўхитанг, Боботоғлари воҳани шимолдан келадиган совуқ ҳаво оқимидан ҳимоя қилиб туради. Ўлкада бир вақтнинг ўзида йилнинг тўрт фаслини кузатиш мумкин. Қишнинг илиқ келиши воҳада шакарқамиш, ингичка толали гўза, хурмо каби субтропик ўсимликларни ўстиришга қулайлик яратади ва экинлардан йил давомида бир неча бор ҳосил олиш имконини беради.

СУРХОН НАБОТОТИ ШАЙДОСИ

Сурхон воҳасининг турларга бой наботот оламини ўрганиш қўллаб олимлар эътиборини ўзига тортиб келган. Бу борада, айниқса, биология фанлари доктори, профессор Шукр Хуррамовнинг илмий тадқиқотлари катта аҳамиятга эга. Олим Бойсун туманининг Хўжабулғон қишлоғида таваллуд топган. Шу боисдан унинг наботот оламига қизиқиши жуда эрта бошланган. Ёшлик йилларидан бошлаб табиат сирларига қизиқиши, уни 1967 йилда Қарши давлат педагогика институти биология факультетида ўқишга етаклайди.

Сўнг у Гельминтология институти аспирантурасида ўқийди. Ўша даврда республикамиз учун янги субтропик экин бўлган шакарқамишга зиб келтирадиган нематодаларни ўрганади ва биология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди.

Ёш олим бу соҳада ўзи олиб бораётган тадқиқотлари доирасини янада кенгайтириб, “Ўрта Осиё субтропик ўсимликлари нематодалари ва паразит фитогельминтларга қарши кураш” мавзусида олиб борган тадқиқотлари учун 1990 йилда биология фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. Олим ўз тадқиқотлари натижасида субтропик ўсимликлар илдизи ва илдизи атрофида учрайдиган нематодаларнинг фаунистик таркиби ва уларнинг шаклланиш қонуниятларини очди, паразит турларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиб, қишлоқ хўжалиги амалиётига тавсиялар берди.

Ш.Хуррамовнинг субтропик ўсимликлар нематодаларини ўрганишга оид илмий тадқиқотлари фитогельминтология фанига қўшилган бебаҳо ҳисса ҳисобланади. Узи олиб борган тадқиқотлар жараёнида у нематодаларнинг 5 та янги турини асослаб берди. Олим



